*ЛОЙИҲА*

# ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИГА БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ УСТАВИ (НИЗОМИ)

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига* бирлашган касаба уюшмалари ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият тури бўйича умумий манфаатлар билан бирлашган, қисман иш билан банд ёки вақтинча ишсиз бўлган меҳнаткашлар, олий, ўрта махсус ва касб-ҳунар билим юртлари ўқувчилари, ишламайдиган нафақачилар, аҳолининг бошқа қатламларининг** меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини муҳофаза қилиш учун тузилган кўнгилли жамоат ташкилотидир.

1.2. Касаба уюшмалари касб, ишлаб чиқариш, ҳудудий ишлаб чиқариш, тармоқ, тармоқлараро ҳудудий принцип асосида тузилади. Касаба уюшмалари ўз мақсадлари ва вазифаларига мувофиқ бошқа давлатларнинг касаба уюшмалари билан ҳамкорлик қиладилар, халқаро касаба уюшмалари бирлашмалари ва бошқа ташкилотларга аъзо бўладилар.

1.3. Касаба уюшмалари ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Касаба уюшмалари, улар фаолиятининг ҳуқуқлари ва кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, мазкур Устави шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари Декларацияси асосида амалга оширадилар.

## 2. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Касаба уюшмаларининг бош вазифаси касаба уюшмалари аъзолари, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ақлий ҳуқуқлари ва манфааталарини муҳофаза қилишда ҳаракат бирлигини амалга оширишдан иборатдир.

2.2. Касаба уюшмалари:

миллати ва қайси динга мансублигидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг меҳнат, ишни эркин танлаш, адолатли меҳнат шароити ва ишсизликдан муҳофазаланишига бўлган конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишига;

меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий адолатли тизими жорий этилишига;

инсоннинг маънавий ва жисмоний куч-қувватларининг тикланиш воситаси бўлган бўш вақтни кўпайтириш ва ундан оқилона фойдаланишга;

ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига биноан ходимларнинг малакасини ошириш ва касб жиҳатидан тайёрлашга;

меҳнат қонунчилиги, меҳнатни ва атроф-муҳитни муҳофазалаш қонунлари, қоидалари ва нормаларига риоя этилишига;

меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари ни соғломлаштириш учун база яратилишига ва зарур воситалар ажратилишига;

ижтимоий ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадларида жамоа шартномалари ва битимлари тузилишига, уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга;

давлат идоралари билан ҳамкорликда меҳнаткашларнинг меҳнат, ижтимоий ва маънавий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилувчи қонунчилик ва бошқа нормаловчи ҳужжатлар қабул қилинишига, барқарорлик, ижтимоий тотувлик ва фуқаролар тинчлигини сақланишига эришадилар.

## 3. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ АЪЗОЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

3.1. Касаба уюшмаларига аъзолик ихтиёрийдир. Касаба уюшмалари Уставини эътироф этувчи ва уни бажарувчи, аъзолик бадалларини тўлаб борувчи ҳар бир фуқаро Касаба уюшмасининг аъзоси бўла олади. касаба уюшмасига қабул бошланғич ташкилот томонидан ёзма аризага асосланиб, якка тартибда амалга оширилади.

3.2. Бир касаба уюшмасидан бошқасига ўтганда, шунингдек ишлаб чиқариш фаолиятини вақтинча ёки доимий тўхтатиб, айни пайтда касаба уюшмаси билан алоқасини узмасдан, аъзолик бадалларини ой сайин тўлаб турса касаба уюшмасига аъзолик сақлаб қолинади.

3.3. Касаба уюшмаси аъзолари:

мулк шаклидан қатъи назар меҳнат муносабатлари масалалари бўйича давлат, судлов идораларидан ҳуқуқий ёрдам олиш ва муҳофазаланиш;

касаба уюшмалари идораларига сайлаш ва сайланиш;

касаба уюшмаларининг тадбирларида иштирок этиш, ўз фикрини эркин баён қилиш, ўз фаолияти ва хулқ-атворига тааллуқли масала кўриб чиқилаётган мажлислар, йиғилишлар, конференцияларда шахсан иштирок этиш;

юқори касаба уюшмалари органларига мурожаат этиш;

касаба уюшмалари шифохоналари, санаторий-профилакторийлари ва оромгоҳларида даволаниш ҳамда дам олиш учун имтиёзли йўлланмалар олиш, касаба уюшмаларининг маданият муассасалари, спорт иншоотларидан фойдаланиш;

касаба қўмитаси ҳузуридаги ўзаро ёрдам кассасига аъзо бўлиш;

касаба уюшмалари органлари белгилаган тартибда моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилиш ҳуқуқига эга.

3.4. Касаба уюшмаси аъзолари:

Устав ва касаба уюшмалари органларининг қарорларини бажаришга;

бошланғич касаба ташкилоти фаолиятида иштирок этишга;

жамоа шартномалари ва битимлар бўйича мажбуриятлар бажарилишига кўмаклашишга;

аъзолик бадалларини тўлаб боришга мажбурдирлар.

3.5. Касаба уюшмасининг ўз Уставидан келиб чиқадиган вазифаларини бажармаган аъзосига нисбатан касаба уюшмаси сафидан чиқаришгача бўлган жазо чоралари кўрилиши мумкин. Касаба уюшмасидан чиқариш ҳақидаги қарор бошланғич касаба ташкилоти йиғилишида қабул қилинади ва тармоқ касаба ташкилотининг юқори идораси томонидан тасдиқланади.

Касаба уюшмасидан ўчириш ва бошқа жазо бериш тўғрисидаги қарор уюшма аъзоси иштирокида қабул қилинади. Уюшма аъзоси узрли сабабларсиз касаба ташкилоти йиғилиши (конференцияси)да ва касаба органи мажлисида қатнашмаса, бу масалалар унинг иштирокисиз ҳам ҳал этилиши мумкин.

Касаба уюшмаси аъзосига берилган жазони олиб ташлаш масаласи тегишли касаба ташкилоти йиғилиши ёки касаба органи томонидан шу жазо белгиланганидан кейин камида уч ой ўтгач кўриб чиқилади. Касаба уюшмасидан чиқарилган шахс умумий асосларда яна касаба уюшмаси сафига қабул қилиниши мумкин, лекин бунинг учун у ўчирилгандан кейин камида 6 ой ўтиши керак.

## 4. КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИШИ

4.1. Касаба уюшмалари қуйидаги принциплар асосида ташкил этилади ва ўз фаолиятини йўлга қўяди:

касаба уюшмаларининг қуйидан юқоригача барча раҳбар идоралари сайлаб қўйилади;

касаба органлари ўзларига берилган ҳуқуқлар ва ваколатлар доирасида ўз ташкилотлари ҳамда юқори касаба идоралари олдида ҳисоб берадилар;

барча ташкилотлар ва сайланма касаба органлари ишида коллегиаллик, ошкоралик;

қарорлар қабул қилиш чоғида мунозара эркинлиги;

Раҳбар касаба органлари ўзларининг ушбу Уставда белгиланган ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари бажарилишининг мажбурийлиги.

4.2. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига Ўзбекистон касаба уюшмалари таркибини бошланғич касаба ташкилотлари, касаба уюшмаларининг туман, шаҳар, вилоят, республика, тармоқ, ҳудудий уюшмалараро бирлашмалари ташкил этади.

### КАСАБА УЮШМАЛАРИНИНГ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАРИ

4.3. Бошланғич касаба ташкилотлари касаба уюшмаларининг асоси ҳисобланадилар. Улар мулк шаклидан қатъий назар бир корхона, муассаса, ташкилотда ишловчи ёки ўқув юртида билим олувчи камида беш аъзо бўлган тақдирда ташкил этилади.

Бошланғич ташкилотни тузиш ва касаба уюшмасига кириш тўғрисидаги қарор касаба уюшмаси аъзоларининг таъсис йиғилиши (конференцияси) томонидан қабул қилинади, бу тўғрида ўн кун ичида юқори касаба органига маълумот бериб қўйилади.

Ишлаб чиқариш ва илмий ишлаб чиқариш бирлашмаларида одатда ягона касаба ташкилоти тузилади ва касаба қўмиталари сайланади. Таркибий қисмлари шаҳар, вилоят доирасидан ташқарида жойлашган бирлашмаларда бирлашма таркибига кирувчи таркибий бирликлар ва корхона касаба қўмиталари раисларининг кенгаши тузилиши мумкин.

Бирлашмада ягона касаба ташкилоти ёки касаба қўмиталари раисларининг кенгашини тузиш тўғрисидаги қарор касаба уюшмасининг Марказий Қўмитаси томонидан қабул қилинади.

Касаба қўмитасининг қарорига биноан бошланғич ташкилот таркибида цехлар, бўлинмалар, бўлимлар ва ишлаб чиқаришнинг бошқа таркибий бўлинмалари бўйича цех касаба ташкилотлари тузилади.

Касаба ташкилоти йиғилиши (конференцияси) бошланғич ташкилотнинг органи ҳисобланади.

Бошланғич, цех касаба ташкилотларида йиғилишлар заруратига қараб, лекин йилига камида бир марта ўтказилади.

Касаба ташкилотининг умумий йиғилишларини чақириш имкони бўлмаган бошланғич, цех ташкилотларида ўша муддатларда смена йиғилишлари ўтказилиши мумкин.

Жорий ишларни олиб бориш учун касаба ташкилоти йиғилиши (конференцияси)да***:

15 тагача аъзони бирлаштирган бошланғич касаба ташкилотида — 2-3 йилдан ортиқ бўлмаган муддат билан касаба ташкилотчиси, унинг ўринбосари сайланади;

15 тадан 150 тагача аъзони бирлаштирган бошланғич, цех касаба ташкилотида 2-3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга касаба қўмитаси, цех касаба қўмитаси (касаба бюроси) ва тафтиш комиссияси сайланади;

150 ва ундан ортиқ аъзони бирлаштирган бошланғич, цех касаба ташкилотида 5 йилгача бўлган муддатта касаба қўмитаси, цех касаба қўмитаси ва тафтиш комиссияси сайланади;

4.4. Бошланғич касаба ташкилоти ва унинг сайланма органи ишлаб чиқариш, маиший турмуш, маданият ва соғломлаштириш соҳаларида меҳнаткашларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қиладилар;

меҳнат жамоаси номидан корхона маъмурияти билан жамоа шартномаси (битими) тузадилар ва унинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширадилар;

меҳнат жамоасини ижтимоий ривожлантиришнинг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқишда, жамоа мунозараларини ҳал этишда қатнашадилар;

касаба бюджетининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Кенгаши қарори билан белгиланган қисмини тасарруф этадилар;

меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, меҳнат муҳофазасига ажратиладиган маблағларни шакллантириш ва сарфлашда иштирок этадилар;

касаба уюшмаси йиғилишлари, конференциялари, қурултойлари, юқори касаба идораларининг қарорлари бажарилишини ташкил этадилар.

### ТУМАН, ШАҲАР, ВИЛОЯТ ҚЎМИТАЛАРИ, ТАРМОҚ КАСАБА УЮШМАЛАРИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАЛАРИНИНГ ВИЛОЯТЛАРДАГИ ВАКИЛЛАРИ

4.5. Касаба уюшмалари туман, шаҳар, вилоят қўмиталарини ташкил этиш тўғрисидаги қарор бошланғич касаба ташкилотларининг ташаббуси билан тармоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмиталари томонидан камида:

туман қўмиталари учун — касаба уюшмаларининг 3 минг аъзоси бўлган тақдирда;

шаҳар қўмитаси учун — касаба уюшмасининг 5 минг аъзоси бўлган тақдирда;

вилоят қўмитаси учун — касаба уюшмасининг 20 минг аъзоси бўлган тақдирда қабул қилинади.

Бу қўмиталарнинг ваколатлари, вазифалари, уларни маблағ билан таъминлаш тартиби тармоқ касаба уюшмаларининг Марказий Қўмиталари томонидан белгилаб қўйилади.

Касаба уюшмалари аъзоларининг миқдори тегишли касаба қўмиталарини ташкил этиш имконини бермаган тақдирда тармоқ касаба уюшмалари Марказий Қўмиталарининг вилоятлардаги вакиллиги институти жорий этилади. Туманлар, шаҳарларда тармоқ касаба уюшмаларининг бирлашган касаба қўмиталари ёки касаба қўмиталари раисларининг кенгашлари ташкил этилиши мумкин.

Уларнинг ваколатлари, вазифалари, маблағ билан таъминланиш тартиби тармоқ касаба уюшмалари Маркази Қўмиталари томонидан белгиланади.

### РЕСПУБЛИКА ТАРМОҚ КАСАБА ТАШКИЛОТЛАРИ

4.6. Республика тармоқ касаба ташкилотлари мазкур Уставга зид бўлмаган ўз уставлари, низомлари, дастурий ҳужжатларини қабул қилишлари мумкин.

Қурултой тармоқ касаба уюшмаларининг олий органи ҳисобланиб, у касаба уюшмалари Марказий Қўмиталари томонидан беш йилда камида бир марта чиқарилади. Қурултойни чақириш, вакиллик нормаси ва кун тартиби тўғрисида камида икки ой олдин маълум қилинади. Навбатдан ташқари қурултойлар марказий (республика) қўмиталари қарори билан ёки касаба уюшмалари ташкилотларининг учдан бир қисмининг талабига мувофиқ чақирилади. Уни чақириш ва кўзда тутилаётган кун тартиби тўғрисидаги қарор камида бир ой илгари маълум қилинади.

Қурултой компетенциясига қуйидагилар киради:

Марказий Қўмиталар, марказий тафтиш комиссияларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни тинглаш, касаба уюшмаларининг ташкил этиш ва тугатиш;

уставлар, низомлар, дастурий ҳужжатлар қабул қилиш, шунингдек, уларни ўзгартириш;

касаба уюшмалари Марказий Қўмиталарини, тафтиш комиссияларининг раисларини сайлаш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Кенгаши таркибига вакиллар сайлаш масалалари киради. Марказий Қўмиталар, тафтиш комиссиялари аъзоларини сайлаш;

4.7. Марказий Қўмиталарнинг мажлислари заруратга қараб, лекин йилда камида бир маротаба ўтказилади.

Марказий Қўмиталар:

Ўзбекистон касаба уюшмалари, тармоқ касаба уюшмалари қурултойлари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Кенгаши, Марказий Кенгаш Раёсати қарорларини бажарилишини таъминлайдилар;

мулк шаклидан қатъий назар, давлат ва жамоа идораларида, хўжалик таркибларида касаба ташкилотлари ҳуқуқлари ва манфаатларини, ўз аъзоларининг қонуний талабларини ҳимоя қиладилар;

республика хўжаликни бошқарув органларининг тармоқларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг давлат дастурларини тайёрлаб, кўриб чиқиш билан боғлиқ ишларида иштирок этадилар;

мулк туридан қатъий назар тегишли вазирликлар, идоралар, ассоциациялар, бошқа хўжалик идоралари билан тармоқ меҳнаткашларига тааллуқли ижтимоий-иқтисодий муаммолар бўйича битимлар тузадилар;

қуйи касаба ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириб борадилар ва амалий фаолиятларини рўёбга чиқаришларида, шунингдек, жамоа меҳнат келишмовчиликларини ҳал этишда уларга аниқ ёрдам кўрсатадилар;

техник ва меҳнат ҳуқуқи нозирликларига раҳбарликни амалга оширадилар, меҳнат муҳофазаси ва сиҳат-саломатлик масалалари бўйича нормаловчи ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этадилар, ишлаб чиқаришда уларга риоя этилишини назорат қиладилар;

хўжалик идораларининг амалдаги қонунчиликни бузиб қабул қилган бошқарувга тааллуқли қарорлари бекор қилинишига эришадилар;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Кенгаши билан Ҳукумат ўртасида тузиладиган битимга қўшиш учун таклифлар киритадилар;

касаба уюшмаси ходимларини ўқитишни ташкил этадилар, касаба уюшмаси фаолиятининг ижобий тажрибасини умумлаштириб, оммалаштирадилар;

ўз олдиларига қўйилган мақсадларга эришиш учун Федерациянинг Марказий Кенгаши ва касаба уюшмалари ҳудудий кенгашлари (бирлашмалари) билан ҳамкорлик қиладилар;

Марказий Қўмиталар раисларининг ўринбосарини, зарурият туғилганда — раислар ўз вазифаларини бажариш имконияти бўлмай қолганида раисни сайлайдилар;

марказий республика қўмиталари мажлислари ўртасида жорий масалаларни ҳал қилиш учун раёсатларни сайлайдилар ва уларнинг ваколат доирасини белгилаб берадилар;

касаба уюшмаси бюджетининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Кенгаши қарори билан белгилаб қўйилган қисмини тасарруф этадилар;

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Марказий Кенгаши Раёсати томонидан меҳнаткашлар ва улар оила аъзоларини соғломлаштириш учун белгиланган маблағларни сарфлашда иштирок этадилар.

### ТУМАН (ШАҲАР)**** МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШЛАРИ

4.8. Бошланғич касаба ташкилотлари ташаббуси билан касаба уюшмаларининг туман (шаҳар) мувофиқлаштирувчи кенгашлари тузилиши мумкин, улар тўғрисидаги Низом Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан тасдиқланади.

### ВИЛОЯТ (ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ) УЮШМАЛАРАРО ТАШКИЛОТЛАРИ

4.9. Вилоятлар (Қорақалпоғистон республикаси, Тошкент шаҳри) уюшмалараро касаба ташкилотлари — вилоят, республика, шаҳарлар ҳудудида жойлашган тармоқ касаба уюшмаларининг бирлашмалари бўлиб, ўз фаолиятларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Устави, мазкур Уставга зид бўлмаган ўз дастурий ҳужжатлари, Низомлари асосида амалга оширадилар.

Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри) уюшмалараро касаба ташкилотларининг олий органи конференция бўлиб, у беш йилда камида бир маротаба чақирилади. Конференцияни чақириш вакиллик нормаси ва кун тартиби икки ой илгари маълум қилинади. Навбатдан ташқари конференциялар кенгашлар ёки тегишли уюшмалараро касаба ташкилоти таркибига кирувчи ташкилотларнинг учдан бир қисми талабига мувофиқ чақирилади. Уни чақириш ва кўзда тутилаётган кун тартиби камида бир ой илгари маълум қилинади.

Конференциялар компетенциясига қуйидагилар киради:

Вилоят (Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар) касаба уюшмалари кенгашлари, тафтиш комиссияларининг фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларини тинглаш;

Низомлар ва дастурий ҳужжатларни қабул қилиш, шунингдек, уларга ўзгартиришлар киритиш;

раисларни, кенгашлар ва тафтиш комиссиялари аъзоларини сайлаш;

Ўзбекистон касаба уюшмалари

* — бундан буён "касаба уюшмалари" деб юритилади.

** — бундан кейин "меҳнаткашлар" деб юритилади.

*** — агар касаба гуруҳи мавжуд бўлса, касаба гуруҳининг ташкилотчиси ва бошқа сайланма фаол бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга сайланади.

**** — Фақат вилоят қарамоғидаги шаҳарларда

(Давоми 5-бетда).

